

ТИЖОРАТ ҲАКИДА 40 ҲАДИС

*

Видо хутбаси

Мусанниф
Абдулазиз МАНСУР



Тошкент 2012

УДК: 297.1

КБК: 86.38+87.75
65.9(5ў)09

Т47

Уибү китобда тижорат ва тижорат одоби, харидор ва сотувчи эътибор берииши лозим бўлган хусуслар, қарз, қарздорлик, ризқ, хуллас, мусулмон ҳаётидаги аҳамиятли бўлган мавзуларга доир ҳадислар жамланди.

Улар моддий ва маънавий ҳаётимиз учун бизга муҳим насиҳатлар, маълумотлар беради. Шунингдек, китобга Пайгамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Видо хутбалири ҳам илова этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 917-сонли тавсияси билан чоп этилди.

Тижорат ҳакида 40 ҳадис: мусанниф А. Мансур; муҳаррир А. Жалил Хўжам. – Тошкент: «Movarounnahr», 2011. – 24 б

УДК: 297.1
КБК: 86.38+87.75
65.9(5ў)09

ISBN 978-9943-12-185-0

© Абдулазиз МАНСУР
© «Мовароуннахр» нашриёти

“Умматимдан ким динига доир қирқ ҳадисни ёд олса (хукми билан амал қилса), Аллоҳ таоло уни қиёмат қунида олимлар ва фақиҳлар қаторида тирилтиради” (“Жомиъус-сагир”, 2-жислд, 414).

2. Уч амал

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинади. Расуллорох (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: “Инсон ўлгач, барча амаллари тўхтайди. Фақат тириклик чоғида қилган уч амалидан унга савоб ёзилиши давом этиб туради:

- садақайи жория (қурдирған масжид, мактаб, касалхона, кўпприк ва ҳоказо);
- фойдали илм (асарлар, шогирдлар);
- хаққига дуо этувчи солиҳ фарзанд” (*Имом Муслим, Имом Термизий, Абу Довуд, Насоий ривоятлари*).

3. Ажиб замон

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху). Расуллорох (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай дея марҳамат этдилар: “Инсонлар устига шундай бир замон келадики, киши олган моли ҳалол ёхуд ҳаромдан эканига эътибор бермай қўяди” (*Имом Бухорий ва Насоий ривоятлари*).

4. Тонгги тижорат баракадир

Сахр Жомидийдан (розияллоху анху). Расуллорох (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳим, умматимга эрта тонг пайтларини муборак қил”. Сахр дейди: “Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам) сария (аниқлаб келувчи бўлинма) ёхуд қўшин юбормоқчи бўлсалар, уларни кундузнинг аввалида (эрта тонг пайти) юборар эдилар”.

Тижорат ҳақида 40 ҳадис

Сахр тижоратчи эди. У бирор тижорат моли жўнатмоқчи бўлса, кундузи вақтли жўнатар эди. Бу сабабдан бой бўлиб, моли кўпайди (*Имом Термизий ривояти*).

5. Биздан эмас...

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Бизга қарши қурол кўтарган киши биздан эмас. Бизни алдаган ҳам биздан эмас” (*Имом Муслим ривояти*).

6. Ман этилган амаллар

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ит пулини (ит савдосини, ўргатилган итлар бундан мустасно), қон пулини (қон савдосини), баданга игна урдириб расм солишини ва бу йўл билан расм солдиришини (бу йўл орқали пул топишни), фоиз ейишни (олишни) ва едиришини (беришни) ман этдилар” (*Имом Бухорий ривояти*).

7. Қўшни ҳақи

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қўшнида қўшни сига шафеълик (сотиладиган уйда қўшнининг харидорлик) ҳақи бордир. Уйлари бир хил ҳолатда бўлса ҳам, ёки бириники тошлокда бўлса ҳам, (олиш-олмаслиги) сўралади” (*Имом Термизий, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можса ривояти*).

8. Бойнинг зулми

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Бой одамнинг (олган) қарзини узишни чўзиши зулмдир” (*Имом Бухорий Муслим, Термизий, Абу Довуд ва Насоий ривоятлари*).

9. Қарзни қайтаринг....

Абу Умомадан (розияллоху анху). Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи вассаллам) бундай дедилар: “Қарзга олинган нарсанинг ўзи берилади. Сутидан фойдаланиш учун берилган ҳайвон эгасига қайтариб берилади. Олинган қарз қайтарилиши керак. Кафил бўлган киши (кафил бўлган нарсани) беришга мукаллафdir” (*Имом Термизий ва Абу Довуд ривояти*).

10. Дараҳт экиш савоби

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху). Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Қайси мусулмон бирор дараҳт ўтқазса ёхуд бирор нарса экса, (сўнгра уларнинг) хосилидан қуш, инсон ёхуд бирон ҳайвон еса, бу мусулмонга садақа ёзилади” (*Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти*).

11. Тожирларга хушхабар

Абу Сайддан (розияллоху анху). Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай дея марҳамат этдилар: “Тўғри, амин (ишончли) тижоратчи (қиёмат куни) набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар билан бирга бўлади” (*Имом Термизий ривояти*).

12. Қасам-ғазабга сабаб

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоху анху). Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Ким мусулмон кишининг молини олмоқ учун ёлғондан қасам ичса, Аллоҳ таолони қиёмат куни унга қарши ғазабнок ҳолда топади” (*Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Термизий*).

13. Тожирларга тавсия

Қайс ибн Ғозородан (розияллоху анху) ривоят қилинади: “Биз (тожирларни) Расулуллоҳ (соллаллоху

алайхи ва саллам) замонларида” “симсорлар” дея атардик. Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам) бизнинг олдимизга келдилар, бизни бундан-да чиройли исм билан номладилар ва бундай марҳамат қилдилар:

– Эй тужжорлар жамоаси! Шубҳасиз тижоратга (гуноҳга олиб борувчи) қасам ва (қилиниши ножоиз) нарсалар аралашиб қолиши мумкин. Тижоратни (гуноҳларингизга каффорат бўлиши учун) садақа ила кутиб олинг (кўп садақа беринг) (*Имом Термизий Абу Довуд ва Ибни Можса*).

14. Ёлғон сўз баракани кетказади

Ҳоким ибн Ҳизомдан (розияллоху анху). Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам) бундай дедилар: “Савдосотиқ қилаётган икки томон (ўзаро келишиб, бир-бирларидан) ажралмагунларича олиб-олмаслик борасида ихтиёридиirlар. Бу олди-сотди асносида тўғри гапириб (молга алоқадор хусусиятларни айтишса), савдолари баракотли бўлади. Айбларни яшириб, ёлғон сўзлашса, савдоларидан барака қўтарилади” (*Имом Бухорий Муслим, Термизий, Абу Довуд ва Насоий ривоятлари*).

15. Эй тижоратчилар!..

Рифоадан (розияллоху анху) ривоят қилинади. Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам) савдо-сотиқ қилаётган инсонларни кўрдилар ва уларга қараб: “Эй тижоратчилар!” дея мурожат қилдилар. Улар ул зотга томон қарашибди. Расули акрам бундай дедилар:

– Тожирлар қиёмат куни кабрларидан фожирлар (гуноҳкорлар) ўлароқ турадилар, бироқ Аллоҳдан кўрқкан, яхшилик қилган ва ҳалол, тўғри бўлганлар бундан мустасно (*Имом Термизий ривояти*).

16. Кўзни тупроқ тўлдирап

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини эшитдим: “Инсоннинг бир водий тўла олтини бўлса, мутлақо яна шунча бўлишини хоҳлайди. Одам ўғли қўзини факат тупроқ тўлдиради. (Бироқ) Аллоҳ тавба қилувчининг тавбасини қабул этади” (*Имом Бухорий Имом Муслим ривояти*).

17. Бозор дуоси

Умар ибн Хаттобдан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Ким бозорга кираётганида: «Ла илаҳа иллаллоҳу вахдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳулмулку ва лаҳул ҳамд. Юҳий ва юмийту ва ҳува хаййул ла ямуту биядикал хайр. Ваҳува ъала кулли шайъин қодийр (Якка ва шериксиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Мулк Уники ва ҳамд Унга хосдир. У тирилтиради ва ўлдиради. У ҳеч ўлмайдиган Ҳайй (тирик)дир. Хайр (яҳшилиқ) Ундандир. Ва У ҳамма нарсага қодир)» маъносидаги дуони ўқиса, у кишига бир миллион савоб ёзилади, унинг бир миллион гуноҳи ўчирилади ва у шунча даража юксалади” (*Имом Термизий ривояти*).

18. Аллоҳга суюмли амал

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дея марҳамат қилдилар: “Мұхаққақ, Аллоҳ таоло сотаётганида, сотиб олаётганида яхши муомалали бўлган бандасини ёқтиради”.

19. Раҳмат ва лаънатга сабаб амаллар

Ҳазрати Умардан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Инсонларга (сотмоқ учун) турли ашёлар келтир-

ган кишининг ризқини Аллоҳ таоло мўл қиласи. Эҳтикор (нарх ошишини кутиб, нарсани сақлаб кўйган, монополия) қилгани эса лаънатлайди” (*Имом Бухорий, Ибн Можса ривояти*).

20. Бўйинга осиладиган ер

Ҳазрати Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким (бировга тегишли) ердан бир қаричига тажовуз қиласа (ноҳақ олса), Қиёмат куни етти қават ер тажовуз қилганинг бўйнига ҳалқа қилиб осиб қўйилади».

21. Ҳақни бериш вақти

Ибн Умардан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ишчининг ҳақини, унинг пешона тери қуримасидан (чарчоғи чиқмай, тўла) берингиз” (*Ибн Можса ривояти*) .

22. Арш соясига лойиқлар

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай марҳамат қилдилар: “Ким кийналган қарздорга муҳлат берса ёки қарзидан (қисман ёхуд тўла) воз кечса, Аллоҳ қиёмат куниди у кимсани Аршнинг соясидан салқинлатади. Зоро, у кунда аршнинг соясидан бошқа соя бўлмас” (*Имом Термизий ривояти*).

23. Муҳим огоҳлантириш

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анху) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлчовчи ва тортувчи (тарози-бонлар) га қаратса бундай дедилар: “Сиз икки ўта муҳим ишнинг бошида турибсиз. Сиздан олдинги кўп ҳалқлар (бу борадаги илоҳий амрга риоя қилмаганлари учун) ҳалок бўлдилар” (*Имом Термизий ривояти*).

24. Яхши муомалага мукофот

Жобирдан (розияллоҳу анҳу). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дуо қилдилар: “Аллоҳ таоло сотаётганида, сотиб олаётганида хушмуомалали – бағрикенг бўлған кишига раҳматини ёғдирсинг” (*Имом Бухорий, Имом Термизий ривояти*).

25. Қарзга оид икки сир

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар: “Ким тўлаш (қайтариб бериш) ниятида одамлардан қарз мол олса, Аллоҳ унинг қарзини тўлатади (карзидан кутулишида ёрдам беради). Ким тўламаслик (еб кетиш) ниятида одамлардан қарз мол олса, Аллоҳ ҳам унга талафот етказади (ҳалок этади)” (*Имом Бухорий ривояти*).

26. Қайтариқ

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “нажш”дан (баҳони кўтариб кетиш) қайтардилар” (*Имом Бухорий ривояти*).

27. Қасам бараканинг заволи

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу). Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини эшитдим: “Қасам молнинг осон (тез) сотилишига сабаб деб ўйлашади, (Аслида қасам ичмоқ) бараканинг йўқолишига сабабдир” (*Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Муслим, Абу Довуд, Насоий ривояти*).

28. Савдо устига савдолашманг

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Биродари бир матони олаётганида бошқа киши у матони олишга ҳаракат

Тижорат ҳақида 40 ҳадис

қилмасин (Савдоси устига савдолашмасин). Ҳеч ким (мусулмон) биродари уйланмоқ ниятида талабгор бўлган аёлнинг қўлини сўрамасин. Бироқ биринчи талабгор иккинчисига бу борада изн бериши бундан мустаснодир” (*Имом Термизий ривояти*).

29. Уч баҳтсиз тоифа

Абу Заррдан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар:

“Уч тоифа кимсаларга Аллоҳ таоло қиёмат қуни гапирмайди, раҳмат назари билан боқмайди ва уларни гуноҳлардан покламайди. Уларга аламли азоб бор. Саҳобалар сўрашди:

– Улар кимлар, ё Расулуллоҳ?

Дедилар:

– Улар кибр ниятида лозимини узун киядиган, қилган яхшиликларини миннат қиласидиган ва молини ёлғон қасамлар билан сотадиганлардир” (*Имом Термизий ривояти*).

30. Жаннатга йул

Ҳазрати Усмондан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Аллоҳ таоло бандаларининг орасидан харидорларига, сотувчи эканида, қарзини тўлаётганида ва қарзини олаётганида хушмуомала бўлган ва енгиллик туғдиргандарни жаннатига киргизди” (*Насоий ва Ибн Можса ривояти*).

31. Мусулмоннинг белгиси

Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Мусулмонлар (келишган) шартларига риояткордирлар, аҳдларига содикдирлар” (*Имом Термизий, Абу Довуд ва Ҳоким ривояти*).

32. Фоизнинг тутуни

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Инсонлар устига шундай бир замон келадики, фоиз емаган ҳеч ким қолмайди. (Ўшанда) киши фоиз емаса-да, фоизнинг тутуни (чанги) унга тегади” (*Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можса ривояти*).

33. Зинодан катта гуноҳ

Абдуллоҳ ибн Саломдан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Исломда бир одамнинг дирҳам қадар фоизга аралашиб қолиши Аллоҳ наздида мусулмон содир этган ўттиз уч зинодан-да катта (гуноҳ)дир” (*Табароний ва Багавий ривояти*).

34. Шерикчилик баракадир, раҳматдир

Абдуллоҳ ибн Саломдан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилди: Икки шерикдан бири хиёнат қилмагунича Мен уларнинг учинчисиман. Бири иккинчисига хиёнат қилса, Мен ораларидан чиқаман. Уларни ҳимоямдан чиқариб, раҳмат ва ёрдамимни узиб қўйман” (*Абу Довуд, Дорақутний ва Ҳоким ривояти*).

35. Қарз жаннатга тўсиқдир

Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоҳу анху). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жоним измида бўлган Аллоҳга қасамки, бўйнида қарзи бор одам Аллоҳ йўлида шаҳид этилса, (кейин) тирилса, яна шаҳид этилса ва яна тирилса, такрор шаҳид этилса (ҳам) бўйнидаги (қарзи) тўланмагунича жаннатга киролмайди” (*Насоий ривояти*).

36. Қасамдан сақланинг

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху). Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: “Сизлар олди-сотдида кўп қасам ичишдан сақланинглар. Чунки қасам молга ривож беради, аммо охирида уни маҳв этади” (*Имом Муслим ривояти*).

37. Алдоқчилар биздан эмас

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху). Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) тохил (буғдой) сотаётган бир одамнинг олдига бордилар. Қандай сотаётганини сўрадилар. Савдогар тушунтириди. (Ўша пайт) Пайғамбарга (алайҳиссалом) қўлларини буғдой дони орасига тиқишилари ваҳий этилди. Қўлларини дон ичига тиққан Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) қўллари хўл бўлди.

– Бу нима, эй доннинг эгаси? – дедилар Расули акрам.

– Ё Расулуллоҳ, ёмғир ёққан эди...

– Ахир молнинг хўл томонини одамлар кўриши учун устига қўймайсанми? – дедилар Сарвари олам. Яна айтдилар: “Алдоқчи мендан (менинг умматимдан) эмас. Бизни алдаган биздан эмас” (*Имом Бухорий ривояти*).

38. Омонатга хиёнат қилманг

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху). Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деб марҳамат қилдилар: “Омонатни эгасига топшир. Сенга хиёнат қилганга сен хиёнат қилма!”

39. Рұксат этилган ҳасад

Ибн Умардан (розияллоху анху). Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ҳасад (ҳавас) фақат уч нарса борасида (яъни уч кишига ҳавас қилиш) жоиздир: Аллоҳ Қуръон (ўрганишни) эҳсон этганга, кечаю кундуз у билан (Қуръон билан) машғул бўлганга, Аллоҳ мол ато


этган кимсанинг кечаю кундуз у молдан (Аллоҳ йўлида) сарфлаганига.

Касбнинг афзали ҳалол савдогарлик ва ўз қўли билан ишлаб, ризқ топишдир” (*Имом Бухорий ривояти*).

40. Ёлғоннинг оқибати

Хорис ибн Барсадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Пайғамбар жанобимиздан (алайҳиссалом) эшиитдим. Ул зот икки жамра орасида ҳаж қиласкан бундай дедилар: “Ким ёлғондакам қасам ичиб биродарининг молини олса, дўзахдаги жойига тайёрланаверсин. (Бу гапларни) эшитганингиз эшитмаганларингизга етказсин”.

Ул зот бу жумлани икки ё уч марта такрорладилар (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти*).



ВИДОЛАШУВ ХУТБАСИ

Аллоҳ таолога ҳамду сано! Унга қайтамиз. Нафслари-мизнинг ёмонликларидан ва ёмон амалларимиздан Унинг паноҳига қочамиз. Аллоҳ ҳидоятга бошлаган кишини ҳеч ким йўлдан чиқаролмайди. Аллоҳ адаштирган бандани ҳеч кимса йўлга сололмас. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа тангри йўқ. Бирдир, тенги ва шериги йўқдир. Яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг қули ва элчисидир. Эй Аллоҳнинг қуллари! Аллоҳдан қўрқишиングизни, Унга итоат этишингизни васият қиласман.

Эй инсонлар! Сўзларимни дикқат билан эшишингиз. Билмайман, балки бу санадан кейин сиз билан бу ерда яна бир бор бирга бўлолмасман.

Эй инсонлар! Бу куннинг қандай бир кун эканини биласизми? Бугун Явмуннаҳрдир (қурбонлик куни). Бу ойнинг қайси ойлигини биласизми? Бу ой Шаҳри ҳаромдир (муқаддас ой). Бу жойнинг қандай жойлигини биласизми? Бу ер Балдаи ҳаромдир (муқаддас шаҳар). Бу куннингиз қандай муқаддас бўлса, бу ойингиз қандай муқаддас бир ой бўлса, бу шаҳрингиз қандай муқаддас бир шаҳар бўлса, билингизки, жонларингиз, молларингиз, обрўла-рингиз ҳам то Аллоҳнинг ҳузурига боргунга қадар бир-бирларингизга бу муқаддас кун, бу муқаддас ой, бу му-борак шаҳар каби муқаддасдир. Буларга қилинган ҳар қандай тажовуз ҳаромдир.

Асҳобим! Ҳушингизни йиғиб олинг! Билингизки, эртага Аллоҳга йўлиқажаксиз. Бугунги ҳар турли ҳол ва хатти-ҳаракатларингиздан мухаққақ сўрокқа тутиласиз. Зинҳор-базинҳор мендан кейин эски залолатларга (ада-

шувга) қайтиб, бир-бирларингизнинг бўйнингизни кесманг! Ушбу васиятимни бу ерда бўлганлар бўлмаганларга билдирилган киши бу ерда туриб эшигандан янада яхши тушунар ва муҳофаза этар.

Асхобим! Эски жоҳилият давридан қолган ҳамма қон даъволари батамом бекор қилинди. Бекор қилганим илк қон даъвоси эса Абдулмутталиб невараси Рабианинг қон даъвосидир.

Асхобим! Жоҳилият даврининг ҳар турли рибоси (фоиз, судхўрлик) бекор қилинди. Илк бекор қилганим рибо Абдулмутталиб ўғли Аббоснинг фоизидир. Аллоҳнинг амри ила бундан кейин фоизчилик тақиқлангандир. Эски даврлардан қолган бу чиркин одатнинг ҳар турлиси оёғим остидадир. Қарздорлар қарз берган кишиларга факат улардан олганлари пулнигина тўлайдилар. Зулм ҳам қилмангиз, зулмга ҳам учрамангиз.

Асхобим! Кимнинг ёнида бир омонат бўлса, уни эгасига қайтариб берсин. Ҳадяларга ҳадя ила жавоб берилур. Бошқаларга кафил бўлганлар кафолатнинг масъулиятини устига олган ҳисобланади.

Эй инсонлар! Бугун шайтон сизнинг шу юрtingиздан қайтадан нуфуз ва салтанат қуриш қудратини бундан кейин абадиян йўқотган. Бироқ сиз бу бекор қилганларим нарсалардан бошқа кўзингизга кичик кўринган ишларда шайтонга эргашсангиз, уни севинтирган бўласиз. Динингизни муҳофаза қилмоқ учун булардан ҳам сақланингиз!

Эй инсонлар! Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан шафқат, меҳр ила муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан кўрқингиз! Хотинлар сизга Тангрининг омонатидир. Уларни Аллоҳ номига сўз берив олдингиз, улар амри илоҳий ила сизга ҳалол бўлди. Сизнинг хотинлар устида ҳақларингиз бўлгани каби хотинларнинг ҳам сизда ҳақлари бордир. Сизнинг

Тижорат ҳақида 40 ҳадис

хотинлардаги ҳақларингиз – хотинларнинг оила шарафини сиз ёқтиримайдиган ҳеч бир кимсага оёқости қилдирмасликлариdir. Хотинларингизнинг ҳар турли ейиш ва кийиш эҳтиёжларини таъминлашингиз эса уларнинг сизнинг устингиздаги ҳақлариdir. Улар сизнинг ҳақларингизга риоя этмоқлари керак. Сиз ҳам уларга назокат билан муомала этишингиз лозим. Бир хотин эрининг рухсатисиз унинг молидан бирор нарсани бировга бериши ҳалол эмас. Қулларингизга келсак, уларга еганингиздан едиришга, кийганингиздан кийдиришга диққат қилингиз. Кечиролмайдиган бир хато иш қилсалар, жавобларини берингиз. Бироқ уларга асло азият етказмангиз. Чунки улар ҳам Аллоҳнинг бандалариdir.

Эй мўминлар! Сўзларимни яхшилаб эшитингиз, яхши англангиз ва яхши муҳофаза этингиз. Муҳаққақки, Раббингиз бирдир. Отангиз бирдир. Барчангиз Одамдансиз. Одам эса тупроқдандир. Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик фақат такво иладир. Шуни яхши билингки, ҳар мусулмон мусулмоннинг биродариdir. Бутун мусулмонлар бир-бирларининг биродариdir. Айни (тeng) ҳақларга эгадирлар. Дин биродарингизга оид бўлган ҳар қандай бир ҳаққа тажовуз этиш кўнгил ризоси бўлмагунча бошқа биров учун ҳалол бўлмас. Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг! Одамларнинг ҳақларини еманг! Зинҳор мендан кейин кофирларга ўхшаб бир-бирингиз билан бўғишманг!

Асхобим! Нафсларингизга ҳам зулм қилманг! Нафсларингизнинг ҳам сизда ҳақлари бор.

Эй инсонлар! Аллоҳ ҳар кимга тушган ҳақ соҳибининг мерос ҳаққини Қуръонда билдирган. (Бинобарин), меросчилар учун васиятнинг кераги йўқ.

Эй инсонлар! Ҳар бир жиноятчи ўз айбига фақат ўзи жавобгардир. Ҳеч бир жиноятчининг гуноҳи учун авлоди жазо тортмайди. Ҳеч бир фарзанднинг гуноҳидан отаси ҳам масъул бўлмас.

Эй инсонлар! Тўхтовсиз айланиб турган замон Аллоҳнинг осмонларни, ерни яратган кунги ҳолатига қайтган. Бир йил – ой ўлчови билан ўн икки ойдир. Булардан тўрттаси ҳаром ойлардир. Буларнинг учтаси – зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам кетма-кет келади, тўртинчиси (ражаб) эса жумодил-охир билан шаъбоннинг орасидадир. Бу йилнинг ҳаром ойлари эски жойига келди. Ҳаж мавсуми зулҳижжанинг ўнинчи кунига тўғри келди.

Эй мўминлар! Сизга бир омонат қолдиряпман. Унга маҳкам боғланганингиз сари йўлингизда ҳеч адашмагайсиз. Бу омонат Аллоҳнинг китоби Қуръондир.

Эй инсонлар! Аллоҳга ибодат қилинг! Беш вақт (намоз) ингизни адо этинг, Раббингизнинг жаннатига кирасиз.

Эй инсонлар! Ифротдан (ҳаддан ошишдан) сақланинг! Сиздан олдин ўтганларнинг ҳалокатга учрашларига диндаги ифротлари сабаб бўлган эди.

Ҳаж амалларини мендан ўрганинг! Аниқ билмайман, балки бу йилдан сўнг қайта бор сиз билан бу ерда учрашолмасман. Бу насиҳатларимни бу ерда бўлганлар бўлмаганларга етказсин. Балки ўзига билдирилганлар ичида бу ерда бўлганлардан ҳам яхши англағанлар, бу (насиҳат) ларни янада кўпроқ муҳофаза этиб эслайдиганлар чиқиб қолар.

Расули акрамнинг очиқ ва тотли ифода билан айтган бу сўзлари йиғилганларга яхши эшитилиши учун чиройли ва баланд овозли кишилар томонидан такрорланиб турилди. Пайғамбаримиз ҳар жумладан кейин тўхтар, Умай ўғли

Рабия баланд овоз билан бу сўзларни тақрорлар эдилар. Вадо хутбасини бутун жамоат шу зайл эшиитди.

Нутқларининг охирларида Ислом жамоати кўрсатаётган ҳаракатли тазоҳуротни кўриб ҳаяжонланган Расули акрам энг баланд овозда:

– Эй инсонлар! Эрта мен ҳақимда сиздан сўрашади. Нима дейсиз? Рисолатимни таблиғ этдимми? Илоҳий вазифамни адо этдимми?! – дея сўрадилар.

Бутун асҳоб бир овоздан:

– Ҳа, қасамки, Аллоҳнинг рисолатини таблиғ этдингиз. Вазифангизни бажардингиз. Бизга васият ва насиҳат қилдингиз. Айнан гувоҳлик келтирамиз! – дедилар.

Ўшанда Расули акрам шаҳодат бармоқларини юқорига кўтардилар. Уч марта:

– Шоҳид бўл, ё Раббий! Шоҳид бўл, ё Раббий! Шоҳид бўл, ё Раббий! – дедилар ва сўзларини тугатдилар.

Хутбадан сўнг у кишига узатилган бир коса сутни ичдилар. Бу билан Расули акрам рўзадор эмасликларини асҳобга кўрсатган бўлдилар. Аср вақти кирган, аммо ҳали пешин намози ўқилмаган эди. Ҳазрат Билол аzon чақирдилар ва тақбир келтирдилар. Аввал пешин намози ўқилди. Сўнгра Билоли қомат айтдилар. Аср намози ўқилди. Расули акрам шу суратда пешин ва аср намозларини «жамъу таъхир» билан кетма-кет адо қилдилар. Кеинин туяларига миндилар. Арафотдаги тўхташ жойига келдилар.

– Шу ерда, отангиз Иброҳим сизга мерос қилиб қолдирган ерлар устида турингиз! дедилар. Ўзлари ҳам қиблага қараб туяларининг устида вакфда (туришда) бўлдилар. Қуёш ботгунга қадар узун бир дуо қилдилар. Худди шу аснода, ҳануз тия устидаликларида, Моида сураси нозил бўлди. Нозил бўлган оятларда “**Бугунга келиб, энди коғирлар динингиз (мағлубияти)дан ноумид бўлишди. Шунинг учун улардан қўрқмангиз. Мендан**

кўрқингиз! Ана, энди бугун, динингизни камолига ет-каздим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломнинг дин бўлишига рози бўлдим”, дея марҳамат қилинаётган эди. Расули акрам таблиғ этилишига маъмур бўлганлари диний оятларнинг тамомланганини билдирган бу оят Қуръондаги аҳкомга оид нозил бўлган оятларнинг сўнгиси ҳисобланади. Бу оятни биринчи бўлиб эшитган ҳазрат Абу Бакр уни Расули акрамнинг вафотларига ишорат билиб, мутаассир бўлдилар ва йиғлаб юбордилар.

Бир кундан кейин – Қурбон ҳайитининг биринчи куни эса Қуръони каримнинг энг сўнгги ояти келди: “**Ва (бар-чангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз!**”

Шу тарзда Ислом динининг асосий қонуни бўлган Қуръон оятлари тамомланди. Расули акрам энг сўнг келган бу оядан кейин атиги саксон кун яшадилар, холос.

Арафа куни қуёш ботгач, Расули акрам такрор туюларига миндилар. Орқаларига Зайднинг ўғли Усомани олдилар. Арафотдан чиқдилар. Тўпланган ҳожилар билан биргаликда секин-аста Муздалифага келдилар. Шом намози ўқилмаган, бироқ хуфтон вақти кирган эди. Муздалифада ҳам шом билан хуфтон намози кетма-кет, кўшиб ўқилди. Кечани шу ерда ўтказдилар. Эртаси куни тонгда (Қурбон ҳайитининг биринчи шанба куни) қуёш чиқмасидан олдин, бомдод намозидан кейин Муздалифадан туриб ҳаракатга тушдилар. Бу сафар туюларининг орқасига Аббоснинг ўғли Фазлни мингаштиридилар. Машъарул Ҳарамга бордилар. У ерда қиблага қараб турдилар. Жамраи Ақобага келдилар. Жамраи Ақобада кичик чағир тошлардан етти тошни отдилар. Жамраларни отар эканлар:

– Эй инсонлар! Дин ишларида ҳаддан ошишлиқдан сақланинглар! Сиздан аввалги умматларнинг ўлимига дин ишларида ҳаддан ошганлари сабаб бўлди, – дея марҳамат қилдилар.

Диний-маърифий нашр

ТИЖОРАТ ҲАҚИДА 40 ҲАДИС

Тақризчи Абдураззок Юнусов
Муҳаррир Абдул Жалил Хўжам
Мусаҳиҳ Аҳмаджон Мурод
Саҳифаловчи Толибжон Қодиров
Муқовани Шухрат Одилов тайёrlади.

Нашриётнинг гувоҳнома рақами: 055. 2004. 12. 04.
Теришга 2012 йил 25 июлда берилди. Босмахонага
2012 йил 30 июлда берилди. Босишга 2012 йил 6 августда
руҳсат этилди. Офсет қофози. Қофоз бичими $84 \times 108^{1/32}$.
Ҳарф гарнитураси Times New Roman. Офсет босма усули.
Хисоб-нашриёт т.:1,5. Шартли б. т.: 1,6
Адади: 3000 нусха. ____ - сон буюртма.
Бахоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй ,100128